

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНинг ОЛДИНИ ОЛИШ САБАВ ВА ШАРОИТЛАРИ

Қодирқулов Асадбек Фахридин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси 311 гурӯҳ курсанти

Аннатация. Уибӯ мақола аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлили қилиши, олдини олиш ва уибӯ борадаги фаолиятни тақомиллаштиришига доир масалалар таҳлил қилинган, ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигини олдини олиш фаолиятини тақомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

Annotation. The article analyzes the issues of studying the causes and conditions of crime among women, analyzes, prevents and improves the work in this area, develops proposals and recommendation for improving the prevention of women's crime in law enforcement agencies.

Калим сўзлар: жиноятчилик, аёллар жиноятчилиги, сабаб ва шароитлар, тарғибот-ташибиқот, тенденсия.

Маълумки, ҳар бир ҳукуқий фаолият, муносабат ҳукуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳукуқ назариясида эса, ҳукуқий тартибга солиш ҳукуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳукуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Бир қатор олимлар жамиятда жиноятка қарши курашиш, унинг олдини олишнинг ҳукуқий тартибга солинишини қўйидаги икки йўналишда олиб борилишини

таъкидлашади³²:

Биринчи йўналиш – бу ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятнинг сабаб ва шароитларига, жиноятларнинг содир қилинишига имкон берувчи жамият ижтимоий ҳаётининг барчасоҳаларидаги салбий воқеа, ходиса ва жараёнларга таъсир қилиши орқали уларни кучсизлантириш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун шароитлар яратиш;

Иккинчи йўналиш – жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора–тадбирларни амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишдир.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишлар ўртасидаги фарқлар шартли бўлиб, улар бир – бири билан узвий боғлиқдир.

Аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг сабаби, шарт-шароитлари ва олдини олиш фаолиятини ташкил этишининг умумий ҳусусиятлари деганда – жиноятлар профилактикасининг аёллар ўртасида жиноятнингнинг олдини олишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг аёллар ўртасида жиноятнингни олдини олиш, ушбу йўналишдаги жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт – шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятидир.

Энди биз бевосита профилактика хизматларининг аёллар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг турларини таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Айтиш жоизки, ҳар бир фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, биринчидан, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, иккинчидан, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг маъсулиятини ошишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қиласи. Бугунги қунда профилактика хизматларининг аёллар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асос мавжуд эмас.

Мамлакатимизда хотин-қизларининг сиёсий фаоллигини ошириш,
www.pedagoglar.org **3-to'plam 2-son yanvar 2024**

уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, қуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий мухитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўқсинглик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ҳолати ҳақида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги “2018 йил 2 февралдаги фармонида” Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор қоидалари бевосита жиноятларнинголдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан химоя қилишда ва уларни жамиятдаги умумисоний, ахлоқий нормалар асосидатарбиялашдаманба ҳисобланади. Мазкур нормалар профилактика хизматларининг аёллар ўртасидаги жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни тартибга соловчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилини белгилаб беради. Жиноятларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг вазифамиз ҳисобланиб, бу борада бир қанча вазифаларни ҳам амалга ошириш лозим. Жумладан, жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолият юртувчи субъектлар самарали ишлаши керак. Уларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўилиши даркор. Шу билан бирга, жиноятчиликни жиловлаш ва ҳукуқбузарликларга қарши курашиш борасида бир қатор самарали чора-тадбирлар олиб борилиб, республикамизнинг барча ҳудудларига намуна тариқасида татбиқ этиб келинмоқда.

Жумладан, хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича “Бухоро тажрибаси”, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида “Сирдарё тажрибаси”, ҳукуқбузарликларнинг барваҳт www.pedagoglar.org

профилактикаси бўйича “Жиззах намунаси”, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича “Фарғона тажрибаси”, Андижон шаҳар ва Хўжаобод туманида “Намунали худуд” тажрибаси; профилактик ҳисобда турган ва жиноят содир этишга мойил бўлган турли тоифадаги шахслар билан ишлаш бўйича “Сергели тажрибаси” ва бошқа самарали механизмлар яратилди.

Албатта, ушбу ютуқлар давлатимизнинг қўллаб-куватлаши ҳамда чин маънода Ўзбекистон аёлларнинг интилишлари, салоҳияти ва иқтидори сабабли қўлга киритилди десак, муболага бўлмайди.

“Бир қатор нуфузли институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлат орасида хотин-қизлар учун шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФ нинг Шарқий Европа, Болтиқбойи ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офици томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модели сифатида еътироф этилганини ҳам исботлайди”

Унга кўра, БМТ нинг хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасининг яқуний хулосасида Ўзбекистон томонидан хотин-қизларнинг хуқук ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар мақулланди. Шу билан бирга, Кўмита томонидан Конвенциянинг бир қанча моддаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш зарурлигига эътибор қаратилиб, уни амалда таъминлашга йўналтирилган тавсиялар берилди.

Хориж тажрибаси аёллар ўртасида жиноятнинг криминалистик характеристикиси ўзига хос ҳусусиятга эгалиги, уларнинг хуқуқбузарлигини ажralиб турадиган ҳусусиятини аниқлаган, изланишлар жараёнида аёллар ўртасида жиноятнингни ўзига хосмахсус бўлган жиҳатларини аниқлаган. Кўп изланишлар натижасида куйидагиларни гувоҳи бўлдик аёллар одатда жиноятларини катта ёшда содир этишади,

жиноятларининг келиб чикиш сабаб ва шароитларини ўрганганимизда куйидаги сабабларга дуч келдик. Уй-жой масалалари бўйича, оила ва ишюмушлари, шахсий эҳтиёжларини вактида қондирилмаганлиги ва бошқа кўплаб камчиликларнинг босими остидакелиб чиқаётган келишмовчиликлар сабаб бўларкан.

Хулоса: Ушбу мақола орқали биз аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифини беришга, унинг ўзига хос ҳусусиятларини қўрсатишга, жиноятчи аёлларнинг шахсини ва муайян ижтимоий мухит шароитларда унинг шаклланиш механизмини очиб беришга, шунингдек криминологиянинг энг мураккаб муаммоларидан бири хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят содир этган аёлларга жазо тайинлаш муаммосини ҳал қилиш йўлларини таклиф қилишга ҳаракат қилдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.01.05.2023й.
2. “Ички Ишлар Органлари тўғрисида” ги 2016 йил 16 сентябрдаги 407 сонли ЎРҚ
3. “Хуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги 371 сонли ЎРҚ
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хуқуқбузурликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2833 сонли қарори.
5. Абдурасурова Қ.Р “Аёллар жиноятчилигининг жиноий хуқуқий ва криминалогик муаммолари” Т.2005 й.
6. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси).